



БАНК ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯНИНГ ЎРНИ

**Қодиров Бекзод
Хушнуд ўғли**

ТДИУ мустақил изланувчиси

Рақамли трансформация жараёнлари банк хизматларининг кўлами, сифати ва турли хавфсизлик механизмларига кўрсатиладиган таъсир орқали молиявий соҳага жадал ўзгаришларни олиб келмоқда. Ҳар бир янги технология — булутли ҳисоблаш, сунъий интеллект, блокчейн ва бошқалар - банк хизматларини тезкор ва қулай қилиш билан бирга, хавфсизлик даражасини ошириш учун кенг имкониятлар яратади. Бу технологиялар фойдаланувчиларга қўшимча имкониятлар яратиш, хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва киритиладиган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш учун муҳим восита сифатида хизмат қилмоқда.

Шунингдек, рақамли трансформация банклар учун янги даромад манбалари очишга ва бизнес моделларини такомиллаштиришга ёрдам беради. Мисол учун, онлайн ва мобил банк хизматларининг ривожланиши орқали банклар mijozларига қулай, тез ва хавфсиз хизматлар кўрсатиш билан бирга янги маҳсулот ва хизматларни тақдим этиш имкониятига эга бўлмоқда. Бунда хавфсизликни ошириш ва фирибгарликни камайтириш учун мустаҳкам криптография ва қўшимча аутентификация тизимлари ишлаб чиқилмоқда, бу эса банк фаолиятини янада барқарорлаштириш ва mijozларнинг ишончини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, рақамли трансформация жараёнлари ахборот хавфсизлигига ҳам кучли таъсир кўрсатмоқда. Банк хизматларининг рақамлаштирилиши билан бирга маълумотларнинг махфийлиги ва беҳатарлигини таъминлашга қаратилган қўшимча чоралар кўрилмоқда. Ахборот хавфсизлигида кибер-хавфлар билан курашиш ва улардан ҳимояланиш банк сектори учун асосий вазифалардан бирига айланмоқда. Рақамли трансформация жараёнлари орқали қўлланилаётган янги хавфсизлик технологиялари банк хизматларининг барча босқичларида хавфсизликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Рақамли трансформация жараёнлари молия ва банк соҳасида муҳим аҳамият касб этганлиги, унинг банк хизматлари сифати ва хавфсизлигига таъсири ҳақида турли тадқиқотларда кенг муҳокама қилинган. Рақамлаштириш, айниқса, мобил ва интернет-банкнинг каби рақамли платформаларни

ривожлантиришда катта роль ўйнайди ва бу жараёнлар кўплаб мамлакатларда банк соҳасида хизмат сифатини яхшилашга, хавфсизликни кучайтиришга йўналтирилган.

Иқтисодчи олимлар Чан ва Вей ўз тадқиқотларида рақамли банк хизматлари хавфсизлигини таъминлаш учун ахборот технологияларидан фойдаланиш масаласи таҳлил қилинган. Уларнинг тадқиқотлари кўрсатганидек, кибер-хавфларни бартараф қилиш учун янги аутентификация технологиялари ва криптография воситалари муҳим аҳамиятга эга. Мазкур тадқиқотда рақамли хавфсизликни таъминлаш учун сунъий интеллект (AI) ва ML технологиялари аҳамияти алоҳида таъкидланган¹.

Турли мамлакатларда рақамли трансформациянинг банк тизимидаги самарадорликка таъсири бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Масалан, Европада банк хизматларини рақамлаштириш жараёнлари ва унинг хавфсизликка таъсири Жонсон ва Вейланд томонидан ўрганилган². Улар ўз тадқиқотларида рақамли платформалар орқали хизмат кўрсатишнинг тезкор ва хавфсиз эканлигини ва шу орқали мижозлар ишончини ошириш имкониятига эътибор қаратганлар.

Ҳозирги кундаги тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, рақамли трансформациянинг қўлланилиши банк фаолиятида кўплаб афзалликларни беради, аммо бу жараёнлар кибер-хавфларга қарши қўшимча хавфсизлик механизмларини ҳам талаб этади. Рақамли хавфсизлик ва кибер-хавфларга қарши курашда сунъий интеллект ва блокчейн технологияларининг самарадорлигини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Рақамли технологиялар банк хизматларини мустаҳкамлаш ва улар сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Рақамли трансформация жараёнлари банк хизматлари сифати ва хавфсизлигини оширишда етакчи омил сифатида намоён бўлмоқда. Бунга мисол қилиб, ривожланган мамлакатлардаги рақамли банк хизматлари кўрсаткичларини кўриб чиқиш мумкин.

1-жадвал.

Ривожланган мамлакатларда рақамли банк хизматларини қабул қилиш даражаси

Мамлакат	Рақамли банк хизматларини қабул қилиш (%)	Мобил банкинг фойдаланувчилари (%)
АҚШ	85	72
Япония	80	65
Германия	78	67
Франция	76	63
Буюк Британия	90	75

¹ Чан, М., & Вей, Ю. (2021). Cybersecurity and Digital Banking: A Study of Technological Impacts on Banking Security. International Journal of Cybersecurity Studies, 12(4), 289-304.

² Жонсон, П., & Вейланд, М. (2020). Digital Transformation in European Banking: A Customer-Centric and Secure Approach. European Banking Journal, 15(1), 45-61.

Манба: International Journal of Digital Finance, 2023.

Жадвалдаги маълумотлардан кўринишича, ривожланган мамлакатларда рақамли банк хизматларини қабул қилиш даражаси юқори. АҚШ ва Буюк Британияда, масалан, рақамли банк хизматларидан фойдаланиш нисбатан юқори бўлиб, бу мамлакатларда рақамлаштириш жараёнларининг тез суръатларда амалга оширилаётганлигини кўрсатади. Мобил банкинг фойдаланувчилари микдори ҳам юқори эканлиги шунини кўрсатадики, рақамли хизматлар мижозлар учун қулайлик яратиш, уларни кенг қамровли ва тезкор хизматлар билан таъминламоқда. Бу кўрсаткичлар банк хизматлари сифатига таъсир кўрсатиб, уларни самарали ва тезкор қилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда банк хизматларини рақамли трансформация қилиш жараёнларини янада такомиллаштирилиш мақсадида қуйидаги бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди. Хусусан:

- Рақамли хавфсизликни таъминлаш учун кибер-хавфларга қарши замонавий технологиялар, жумладан, криптография, қўш даражали аутентификация ва биометрик аутентификация воситаларини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу хавфларни камайтириш билан бирга мижозларнинг банкларга бўлган ишончини оширишга ёрдам беради.

- Мижозларга шахсий эҳтиёж ва талабларига мослаштирилган хизматлар тақдим қилиш учун персонализация воситаларини жорий этиш зарур. Мисол учун, сунъий интеллект асосида мижозларнинг хоҳишларига мувофиқ тавсиялар бериш орқали уларнинг қониқишини ошириш имкониятини яратиш мумкин.

- Ўзбекистонда мобил банкинг хизматларини ривожлантириш учун Япония ва Жанубий Корея тажрибаларидан фойдаланиш мумкин. Бунда мобил қурилмаларда қулай ва тезкор интерфейс яратиш орқали мижозларга қулайлик ва тезкорлик яратилади.